

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ —
ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА

SAYLOV 2024 27-OKTABR

ОВОЗ БЕРИНГ!

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН** УЧУН!

17-oktabr
2024-yil 42 (1 092)

O‘ZLIDEP

ASR XXI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlari_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИГА

САЙЛОВ – 2024

9

КУН ҚОЛДИ



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН БИРЛАШАЙЛИК!

САЙЛОВОЛДИ УЧРАШУВЛАР БАЙРАМОНА РУҲДА ЎТМОҚДА

НАМАНГАН

Давлатобод туманидаги “Кўк сарой” корхонасида O‘zLiDePнинг сайловолди ташвиқот тадбири электоратнинг асосий қатлами бўлган тадбиркорлар иштирокида ташкил этилди.

O‘zLiDeP етакчиси Актам Хаитов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга ушбу сиёсий кучдан кўрсатилган номзодлар Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари хусусида атрофлича маълумот беришди.

Навбатдаги тарғибот тадбири Наманган давлат педагогика институтида “Эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!” шиори остида ўтди.



АНДИЖОН

Андижон давлат тиббиёт институтида ташкил этилган учрашув ҳам ўзгача руҳда бошланди. Негаки, O‘zLiDePнинг сайловчиларга тақдим этган дастурида энг қадрли ва қимматли бойлик ҳисобланмиш саломатликка оид қатор ташаббус ва таклифлар акс этгани йиғилганларни қизиқтириб қўйди. Айниқса, аҳоли ўртасида касалликларни кескин камайтириш, соғлом турмуш тарзини жорий этиш, ўртача умр давомийлигини 78 ёшга етказиш ҳамда бюджетдан тиббиётга ажратиладиган йиллик маблағ ҳажмини камида 2 карра ошириш партиянинг асосий мақсадлари сирасига киради. Шунингдек, асосий эътибор касалликлар профилактикасига қаратилиши ҳамда оналар ва болалар ўлими, болалар ўртасидаги ирсий касалликлар камида 2 баробарга, онкологик, юрак-қон томир, қандли диабет бўйича эрта ўлим эса 2,5 баробарга камайтирилиши... хуллас, партиянинг бу соҳага оид устувор вазифалари халқчиллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам тадбир иштирокчилари 27 октябрда етакчи партияни қўллаб-қувватлаб овоз беришларини билдиришди.

Ушбу сайловолди учрашувлари тафсилоти билан газетамизнинг кейинги сонида танишасиз.

O‘zLiDeP: 5 МАҚСАД ДОИРАСИДА 500 ВАЗИФАНИ АМАЛГА ОШИРАДИ

3

Мамлакат ва халқимиз келажаги учун муҳим жараён – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлиги учун ўтказиладиган сайлов куни тобора яқинлашаётгани сари партиялардан кўрсатилган номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари янада қизғин тус олаётир.

Куз ҳавосининг инжиқлиги, ёмғирли совуқ кунлар бошланаётганига қарамасдан, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан бир мандатли ҳамда ягона сайлов округлари бўйича кўрсатилган номзодлар ҳамда фаолларимиз мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, маҳаллалар, таълим, тиббиёт масканлари ва очиқ осмон остида кенг жамоатчилик вакиллари билан самимий мулоқотда бўлишмоқда. Ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирларида партиянинг Сайловолди дастури ва ундан ўрин олган энг устувор 5 мақсад ва 500 вазифанинг мазмун-моҳияти хусусида батафсил сўз юритилмоқда.



ЯНГИЛИККА АСОСЛАНГАН ЛИБЕРАЛ ҒОЯЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда кейинги саккиз йилда Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, Инсон ва унинг қадри юксалди. Бугунги кунда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча имкониятни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим ва ажралмас бўғинига айланган, кучли иқтисодиётга эга бўлган давлатни барпо этишга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом этмоқда.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида мамлакатнинг барқарор тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлаш учун адолатли ва замонавий давлат барпо этиш, аҳоли учун қулай атроф-муҳит яратиш, шунингдек, ташқи сиёсатда иқтисодий дипломатияни кучайтириш муҳим йўналишлар сифатида белгиланган. Адолатли бошқарув тизими фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилса, қулай атроф-муҳит эса уларнинг ҳаёт сифатини оширади. Бундан ташқари, иқтисодий дипломатияни кучайтириш орқали Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи мустаҳкамланади ва давлатнинг ривожланиши учун янги имкониятлар яратилади. Партия бу йўналишларнинг ўзаро боғлиқлигини эътироф этган ҳолда, халққа хизмат қилишни устувор вазифа сифатида кўриб, мамлакатимизнинг барқарорлиги ва халқаро майдондаги муваффақиятига катта аҳамият қаратмоқда.



ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ АДОЛАТЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТАМИЗ

Бугунги кунга келиб, республикамизда халқ билан мулоқот қилишнинг мутлақо янги тизими қарор топган. Давлат аппаратининг институционал тизими қайта кўриб чиқилиб, уни оптималлаштириш, самарадорлигини ошириш бўйича муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Давлат хизматларини кўрсатиш тизимига инновацион ёндашувлар жорий этилди.

Давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, очиқ фуқаролик жамияти, қонун устуворлиги ва одил судловни таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган мазкур ислоҳотларни қатъий давом эттириш бугунги кун талабидир.

Аввалambор, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш барча давлат органлари фаолиятининг энг устувор йўналиши бўлиши керак, деган қатъий тамойилга таяниш – **асосий вазифа**миз бўлади.

Биз бюджет ташкилотлари харажатларининг шаффофлигини таъминлашда парламент ва маҳаллий Кенгашлар олдидаги ижроия органлари ҳисобдорлигини кучайтириш тарафдоримиз. Маҳаллий Кенгашни **халқнинг чинакам овозига айлантириш ва ҳокимларнинг Кенгаш олдида ҳисобдор** бўлиши, масъулияти ва жавобгарлиги ошишини таъминлайдиган тизимни мустаҳкамлаймиз. **Ҳоким ва маҳаллий Кенгашнинг** жавобгарлик доираси ва аниқ вазифалари белгиланади. Маҳаллий кенгашлар фаолиятига оид 500 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари тизимлаштирилади.

Партиямиз кейинги беш йилликда қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили ҳамда илғор хорижий тажриба асосида **нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида қонунчиликни** такомиллаштириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашда **маҳаллани** жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги **“кўприк”**ка айлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Маҳаллаларни **“бир қадам”** тамойили асосида фуқароларнинг аксарият масалаларини ҳал этадиган масканга айлантирамиз. Бундан ташқари, аҳоли турмушини янада яхшилаш мақсадида **“Ташаббусли бюджет”**га бериладиган маблағларни **3 карра** ошириш каби масалаларни илгари сурамиз.

Янги Ўзбекистонда бундан 8 йил олдин бошланган ва изчил давом этаётган қонун устуворлиги, одил судлов ва адолат принципларини ҳаётга янада кенг татбиқ этишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Биз Янги Ўзбекистонда фуқаролар ва бизнеснинг ҳимоячиси фақат қонун ҳамда суд бўлишини истаймиз. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиб, одил судловга эришиш учун барча имкониятларни сафарбар этамиз.

O‘zLiDeP суд мустақиллиги тарафдори бўлган сиёсий куч сифатида мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган изчил ислоҳотларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Лекин, айрим партиялар томонидан айни йўналишда илгари сурилаётган таклифлар мақсадга етишни ортга суриши мумкин. Масалан, Халқ демократик партияси ўртага ташлаётган вилоят, туман (шаҳар) судлари раисларини ротация қилиш амалиётини жорий этиш ташаббуси судлар мустақиллигига бевосита таъсир қилади. Яъни, мамлакатимизда нафақат судлар, балки судьялар ҳам мустақилдир. Уларнинг ротациясини амалга ошириш янги таҳрирдаги Конституциямизда белгиланган судьялар мустақиллиги, фақат Конституция ва қонунга бўйсунишларига оид нормага мантиқан тўғри келмайди. Судья мустақил бўла туриб, вилоят, туман (шаҳар) судлари раислари ротация қилишдан қандай маъно бор? Улар фақат Конституция ва қонунга бўйсунади.



Биз илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, қонунчиликни қўллашда муайян суд иши бўйича чиқарилган суд ҳужжатини бошқа шу турдаги ишларга қўллаш имконини берувчи **“суд прецеденти ҳуқуқи”**ни амалиётга жорий этиш айни муддао, деб ҳисоблаймиз.

Суд прецедентини қўллашнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

Биринчидан, суд қарорлари сифатини ошириб, адолатни таъминлашга хизмат қилади. Суд амалиётида бир низо турли суд ишларида турлича баҳоланиши, ҳаттоки бир суд иши биринчи инстанцияда бошқача баҳоланиб, кейинги инстанцияда бошқа натижа билан якунланиши ҳолатлари ҳам учраб туради. Бунинг сабаби суд қарорини чиқаришда инсон омилининг таъсири, айрим ҳолларда субъективликка йўл қўйилишидир. Суд прецеденти амалда бўлса, ўхшаш низолар ўхшаш ечим топади. Бу ечим ҳам оқилона, ҳам пухта асосланган бўлади.

Иккинчидан, низоларни суд йўли билан ҳал қилишда шаффофликни таъминлайди. Суд прецеденти ўзига хос намунавий қарор экан, у барча суд жараёни иштирокчиларига қонунларнинг бир хил қўлланиши учун восита бўлади.

Биз мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янги босқичга олиб чиқмоқчи бўлсак, суд прецедентини тезроқ амалда қўллашимиз лозим. Бунинг вақти келди.

Шу билан бирга, жабрланувчининг илтимосига асосан **жиноят ишини қўзғатмасдан ҳам ярашиш имкониятини бериш** чораларини кўрамиз. Бу билан узоқ давом этиши мумкин бўлган жиноят процессини олдини олишга эришамиз.



Жиноят содир қилган шахслар келгусида тузалиш йўлига ўтиши учун муқобил жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари кенгайтирилиши жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодий жиноятлар бўйича **гаров эҳтиёт чорасидан кенг фойдаланиш** имконияти яратилади. Бу масалада айбланувчи ёки ҳимоячи томонидан судларга эҳтиёт чорасини ўзгартириш ҳақида мурожаат қилиш имкониятлари кенгайтирилади.

Ички ишлар ва миллий гвардия органлари ходимларининг фуқаролар билан **мулоқот қилиш стандартларини** жорий этиш орқали уларни халқ кўз ўнгида том маънода ҳимоячига айлантирамиз.

Барча соҳаларда шахсга доир маълумотлар билан ишлаш талабларини кучайтирамиз. Пировард мақсадимиз – фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаш, мулки ва маблағларини фирибгарлар, айниқса, тобора бўй кўрсатаётган кибержиноятчилардан ҳимоя қилишдир.

Яна бир жиддий вазифа, Адвокатлар палатасининг адвокатларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришдан иборат. **Адвокатлар рейтингини жорий қилиш** орқали адвокатлик тизимида рақобат муҳити ривожлантирилади, салоҳиятли адвокатлар кўпаяди.

Умуман олганда, O‘zLiDeP баъзи партиялардан фарқли равишда адвокатура тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларни илгари сурмоқда. Мисол учун, “Адолат” социал-демократик партияси “адвокатура институтини янада такомиллаштириш” каби умумий таклифлар атрофида айланиб юрган вақтда партиямиз ўз анъаналарига содиқ қолган ҳолда барча соҳалар сингари адвокатура соҳасида ҳам тизимли ва аниқ таклифлар билан сиёсий майдонга чиқмоқда.

Партиямиз бизнес юритишга халақит бераётган қатор нормаларни қайта кўриб чиқиш таклифини илгари суради. Жумладан:

- тадбиркорнинг манзили, банк реквизитлари ўзгаргани ёки қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаганлик учун белгиланган маъмурий жавобгарликни бекор қилиш;
- тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларидаги амалиётларни тўхтатиб туришга фақат суд тартибида рухсат беришни қонун даражасида белгилаш;
- назорат қилувчи органлар зиммасига текширув ўтказилиши ҳақида Савдо-саноат палатасини камида 10 иш куни олдин хабардор қилиш мажбурияти юкланишини қонунда белгилаш;
- солиқ интизомининг бузилиши билан боғлиқ маъмурий жарима миқдорини ҳуқуқбузарлик келтириб чиқарган иқтисодий оқибат таъсирини инобатга олиб табақалаштириш;
- тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлар, шу жумладан, берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини асосли бизнес таваккалчиликлари туфайли бажармагани уларни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмаслигини қонунчиликда белгилаш.

Партиямиз олдида турган яна бир долзарб вазифалардан бири, бу очиқлик сиёсатини изчил давом эттириш ва халқ билан мулоқотни янада кенгайтиришдан иборат. Бу борада оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқларини қатъий кафолатлаймиз. Сўз эркинлигига қарши ҳар қандай уринишларга қарши туриб, мустақил нодавлат матбуот тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаймиз.

Партия коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ муҳим ташаббусларни ҳам илгари суради. Яъни, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттирамиз. Коррупцияга қарши курашишда давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича чоралар кўрамиз. **Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган Миллий стратегияни** қабул қиламиз.

Бир сўз билан айтганда, O‘zLiDeP Сайловолди дастури янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда белгиланган инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормаларнинг 3 баробарга кўпайганини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Партиямиз халқ хизматидаги давлатни барпо этишни Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили сифатида кўраётган сиёсий кучдир.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙ АТРОФ-МУҲИТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТАМИЗ

Конституциямизда Ўзбекистон экологик тараққиёт стратегиясининг асосий қоидалари, бунга доир талаблари белгиланган бўлиб, ушбу сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича энг муҳим ва асосий қоидаларни белгилаб беради. Кучли давлат бошқарувисиз экологик мувозанатни барқарор сақлаб туриш амримаҳол. Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда бу борада комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мамлакат миқёсида **“Яшил макон”** умуммиллий лойиҳаси доирасида юртимизда **1 миллиард туп кўчат** экилиб, Орол денгизининг қуриган тубида **2 миллион гектар** майдонда ўрмонлар барпо этилди.

Мамлакатимизда кейинги олти йилда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонлар 700 минг гектардан ошди. Ўзбекистонда **“яшил иқтисодиёт”**га ўтиш бўйича ҳам муҳим қадамлар ташланди.

Ушбу бошланган ислоҳотларни O‘zLiDeP тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда келгуси беш йилликда Ўзбекистонда **экологик барқарорлик ва аҳоли саломатлигини таъминлаш**га қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Партиямизнинг нуқтаи назарича, халқаро тажрибадан фойдаланиш орқали мамлакатимизда ҳаво сифати бўйича илғор стандартлар ва технологияларни жорий этиш кечиктириб бўлмайдиган масаладир.

Аҳолига қулай атроф-муҳит шароитларини яратиш нуқтаи назаридан O‘zLiDeP қуйидаги масалаларни ўз Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари этиб белгилаган:

Бу борада сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида **сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг** асосларини жорий этиш даркор. Чунки сув ресурслари муаммоси келгуси ўн йилликларда минтақамиз ва мамлакатимиз учун энг долзарб масала бўлиб қолади.

Бугунги кунда 70 фоиз ерлар эски усулда суғорилмоқда, 60 фоиз каналлар бетонланмагани оқибатида йилига 16 миллиард метр куб сув йўқотилмоқда. Шу сабабли беш йил ичида барча экин майдонларида сув тежайдиган технологияларни жорий қилган фермер ва деҳқонлар харажатининг 50 фоизини қоплаб бериш айни муддаодир.

Партия қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Яъни, фуқаролар экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳит зарарланишига йўл қўймаслик мақсадида барча қишлоқ ва шаҳарларни қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш хизматлари билан тўлиқ қамраб олиб, уларни қайта ишлашни камида 65 фоизга етказишни режалаштирмоқда.

Экология соҳасидаги ишларни ташкил этиш борасида ҳуқуқий ва ташкилий асослар замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштирилиши зарур деб ҳисоблаймиз ва барча ҳудудларда, атмосфера ҳавосини яхшилаш бўйича **“Мусаффо ҳаво – 2030” миллий дастури**ни қабул қилишни устувор вазифа деб биламиз.

Атроф-муҳитга зарарли ташланмаларни қисқартириш ҳамда инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини камайтириш даркор. Шу боис O‘zLiDeP кўмир, мазут каби энергия манбаларининг атроф-муҳитга зарарини камайтириш мақсадида уларнинг ўрнига босқичма-босқич **экологик тоза геотермал ва бошқа қайта тикланувчи энергия** турларини кенг йўлга қўйишни режалаштирган.

Оролбўйи минтақасига бирламчи эътибор қаратган ҳолда денгизнинг қуриган тубида **қўшимча 500 минг гектар яшил майдонларни** барпо этиб, уларнинг умумий ҳажмини **2,5 миллион гектарга** ёки ҳудуднинг 78 фоизига етказамиз.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси қамровини янада ошириш учун йилига **400 миллиард сўм ажратилиши** аҳоли масканларида экологик муҳитни яхшилашга хизмат қилади. Шу маънода давлат идоралари, корхоналар, олий таълим муассасалари ҳам ўз боғларини ташкил қилиши, янги уй-жой қуришда пудратчиларга **“яшил ҳудуд” ва автотураргоҳ барпо этиш мажбурий этиб белгиланиши зарур,** деб ҳисоблаймиз. Мамлакатимизда яшил майдонлар, дарахтзорлар, гулзорларни 30 фоизга етказишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шаҳарлар ҳамда уларнинг атрофларида **“яшил белбоғ”**лар барпо этиш чораларини кўрамиз.

“Яшил иқтисодиёт” кўламини кенгайтириш ва “яшил ўсиш” орқалигина барқарор тараққиётни таъминлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Республикамизда **қайта тикланувчи энергия манбаларини 2,5 баробарга** ошириб, ишлаб чиқарилган энергияда уларнинг улушини 40 фоизга етказамиз. “Яшил технология”ларни кенг қўллаш, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришда ёпиқ циклли технологиялардан фойдаланишни рағбатлантирамиз.

Бир сўз билан айтганда, O‘zLiDeP Сайловолди дастурига киритилган мазкур таклиф-ташаббуслар она табиатимизни келажак авлодларга безавол етказишга хизмат қилади.

ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯ ОЧИҚ, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА КОНСТРУКТИВ ТАШҚИ СИЁСАТ ГАРОВИ

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида барча соҳаларда **узоқ ва яқин давлатлар билан дўстлик** алоқалари ва ўзаро ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Буни кун сайин кўпайиб бораётган чет эл капитали эвазига қурилаётган қўшма корхоналар, илм-фан, маданият, санъат, туризм соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларидан ҳам сезиш қийин эмас. Боз устига янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириши белгиланган.

Партиямиз Янги Ўзбекистон ташқи сиёсати **фақат халқимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилиши зарур,** деган қатъий позицияда.

Биз узоқ ва яқин давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқалар ва ҳамкорликни ана шу тамойил асосида ривожлантириш тарафдоримиз.

Биз **очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат** давом эттирилишига хайрхоҳмиз.

Партия ташқи сиёсатда **қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик** муносабатлари жадал ривожлантирилишида барча имкониятларини ишга солади.

Партиямиз мамлакатимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ташаббуслари халқаро майдонда фаол илгари сурилиши, **Марказий Осиёда** турли йўналишлар, айниқса, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги амалий ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, стратегик ҳамкорларимиз билан янги форматдаги амалий алоқалар мустаҳкамланишини фаол қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш мақсадида иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичини инобатга олган ҳолда янги инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур. Бу борадаги вазифаларни самарали амалга ошириш учун партия **иқтисодий дипломатияни фаоллаштириш** долзарб аҳамиятга эга эканини эътироф этади.

Партия инвестиция ва инновацияларни кенг жалб қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва Ўзбекистон имижини фаол тарғиб этиш барча дипломатик ваколатхоналаримизнинг **асосий вазифасига** айланиши керак деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, анъанавий ҳамкорларимиз билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратиб, иқтисодий дипломатияни кучайтириш ҳам биз учун муҳим соҳалардан саналади.

Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларини **кенг жамоатчиликка етказиш** борасидаги ишларни жадаллаштириш партиянинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади.

O‘zLiDeP Сайловолди дастурида хориждаги ватандошларимиз **билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва мигрантлар ҳуқуқларини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, хориждаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлаб, уларнинг** юртимиз тараққиётида фаол иштирок этишлари учун зарур шароитларни яратамиз. Улар ўртасида **она тили, миллий маданият ва анъаналарни тарғиб этиш** бўйича тизимли чоралар кўрамиз.

Ташқи меҳнат миграцияси тизимини ислоҳ қилиб, хорижга ишлаш учун бораётган фуқароларимизни **касбга ва чет тилларига ўқитиш кўламини** кенгайтирамиз. **Хорижда ишлаб юрган юртдошларимизнинг** аввало **Ўзбекистонда ишлаб**, муносиб иш ҳақи олишлари учун имконият яратамиз.

Мураккаб вазиятга тушиб қолган юртдошларимизга **ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш тизимини** янада такомиллаштирамиз. Шунингдек, **меҳнат мигрантлари** ва уларнинг **оила аъзоларига доимий ғамхўрлик** қилиш ва **ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш** бўйича чоралар кўрамиз.

O‘zLiDeP Ватан равнақи йўлидан ортга қайтмайди. Бу борадаги синов ва машаққатларни электорат манфаати учун енгиб ўтади ҳамда ҳамиша халқ билан бирга бўлади! Номзодларимизга овоз беринг!

Дилором ФАЙЗИЕВА,
Дилмурод АРТИКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар

O‘zLiDeP ВА УНИНГ ДЕПУТАТЛИККА КЎРСАТГАН НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

O‘zLiDeP 5 МАҚСАД ДОИРАСИДА 500 ВАЗИФАНИ АМАЛГА ОШИРАДИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



O‘zLiDePдан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Бахтибай Алдамуратовнинг сайловчилар билан учрашувининг навбатдагиси Қораўзак туманида ташкил қилинди.

Туман “Инсон” ижтимоий хизматлар марказида ўтган учрашувда номзод партиянинг Сайловолди дастури, хусусан, таълим, илм-фан, тиббиёт ва аҳолининг ижтимоий ҳимояси борасидаги устувор вазифалар ҳақида маълумот берди. Қайд этилганидек, меҳнатга яроқли аҳолига янада қулай ижтимоий муҳит яратишда партия фаол иш олиб бормоқда. Шу жиҳатдан меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3 баробаригача маош олувчи фуқароларни даромад солиғидан озод этилишига эришиш таклиф этилмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар аҳолининг оилавий даромади ошиши пировардида ҳаёт даражаси юксалишига хизмат қилади. Сиёсий куч электр энергияси ва табиий газ истеъмоли бўйича белгиланган ижтимоий нормалар миқдорини мавсумийлик, хонадон аъзоларининг ижтимоий ҳимоя реестрига киритилгани ҳамда оилалар сонидан келиб чиқиб, қайта кўрилишини таклиф қиляпти.

– Партия дастури жуда халқчил ва юрт истиқболи учун айниқса муҳим эканига амин бўлдим, – дейди нуроний Н. Тлеумуратов. – Бу йилги сайловларда етакчи партиямиз янгича ғоя ва ташаббуслар билан халқ орасига кириб боряпти. Дастурда барча соҳа кенг қамраб олинган.

Аён бўлдики, O‘zLiDeP Сайловолди дастури қораўзакликларга жуда маъқул келди ва улар бўлажак сайловда шу партия номзодларига овоз беришларини эътироф этишди.

Бундай учрашувлар Тахтакўпир, Чимбой ва Нукус туманларида ҳам бўлиб ўтди. Номзод тумандаги маҳалла ва овулларда ҳам хонадонма-хонадон юриб, O‘zLiDePнинг кейинги беш йилга мўлжалланган янги дастури ва унда акс этган 5 мақсад – 500 та вазифанинг мазмун-моҳиятини батафсил тушунтирди. Сайловда партияни ва унинг номзодларини қўллаб-қувватлашга чақирди.

O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

НАВОИЙ



O‘zLiDeP келгуси беш йилликда ёшлар бандлиги ва ишбилармонлигини фаол қўллаб-қувватлайди. Ишсиз ёшларни замонавий касбларга ўқитиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқади. Корхоналар буюртмаси асосида касбга тайёрлаш амалиётини жорий қилади. Ҳар бир вилоятда камида 100 гектар майдонда ёшлар ижтимоий-иқтисодий марказини ташкил этиб, уларни келажагимиз эгалари учун чинакам “лойиҳалар фабрикаси”га айлантиради.

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитовнинг навоийлик ёшлар билан учрашуви эртамиз эгаларига O‘zLiDeP Сайловолди дастуридаги ёш авлоднинг камолоти борасидаги умидбахш янгиликларни ҳавола этиш билан бошланди.

Навоий вилоят Маънавият ва маърифат марказида ўтказилган жонли мулоқотда партия вилоят кенгаши масъуллари ва депутатлар, “Ёшлар қаноти” фаоллари ҳамда талабалар иштирок этди.

– Бундан ташқари, – дея сўзида давом этди сиёсий куч лидери ёшларга қарата, – Сайловолди платформамизда сизларни тадбиркорликка жалб қилиш учун микромолиялаш хизматларини кенгайтириш ва замонавий молиявий инструментлардан кенг фойдаланиш учун имконият яратиш тарафдоримиз. Ўз бизнесини ижарага олинган бинода бошлаётганларга бир йиллик ижара харажатининг 50 фоизини қоплаб бериш, талабалар учун давлат ташкилотларида иш ҳақи тўланадиган тажриба-амалиёт тизимини ривожлантириш каби вазифалар ҳам асосий мақсадларимиздан ҳисобланади. Зеро, юртимиз қудрати сиз ёшларнинг билим ва камолотингиз даражаси билан боғлиқдир.

Муҳокамада иштирок этган ёшлар ҳам фаол бўлишди. Бўлажак сайловда етакчи партия номзодларига овоз беришларини таъкидлаш баробарида зикр этилган дастурга олий таълим муассасалари ҳузурида ташкил қилинган “Карьера ва стажировка марказлари” фаолиятини такомиллаштиришни, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ҳар бир маҳаллада “Мустақил ривожланиш” марказларини ташкил этиш таклифларни беришди.

O‘zLiDeP Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

“Биз умумий ўрта таълим мактабларида 153 мингдан ортиқ синф раҳбарлари учун тўланадиган маблағ миқдорини кўпайтиришни таклиф қиламиз. Партиямиз республика ва халқаро олимпиадаларда ғолиб бўлган ўқувчиларнинг ўқитувчилари учун бериладиган мукофотлар ҳажми янада оширилиши устида иш олиб боради. Кутубхоналар фондини бойитиш ва тўлиқ рақамлаштириш ҳам юқоридаги мақсадларимизга мувофиқ келади. Партиямиз боғчалар ва мактабларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда канализация тармоғига улаш ёки локал канализация тизимларини ўрнатиш масалалари назоратини ўз зиммасига олади”...

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 238-мактабда сайловчилар билан учрашувда бир мандатли сайлов округидан **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар Равшан Фазилов, Дурбек Аҳмедов ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига номзод Дилшод Шоумаров** O‘zLiDePнинг Сайловолди дастурида белгиланган эзгу мақсад ва вазифалар сирасига кирувчи юқоридаги каби айрим таклифлар хусусида сўзлаб беришди.



Улар келгуси йилларда Мактабларни ривожлантириш давлат дастурини жорий этиш диққат марказида бўлишини ҳам таъкидлашди.

– 2030 йилга қадар қўшимча 2,5 млн ўқувчи ўрнини яратиш, таълим сифатини тубдан яхшилашни вазифаларимиздан бири сифатида кўрамиз, – деди O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров. – Таълим ва интеллектуал ривожланиш бўйича Янги Ўзбекистон дунёдаги етакчи мамлакатлар қаторига кириши зарур, деб ҳисоблаймиз. Мактабгача таълимга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондиришни кафолатлаймиз. Ота-оналар фикри инобатга олиниб, барча боғчаларни компьютер синфи билан таъминланишига эътибор қаратамиз. Мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимларининг ўртача иш ҳақини 2 баробар ошириш чораларини кўрамиз.

Бу каби хайрли ташаббусларни илгари сураётган партия номзодларига ўқитувчилар ва ота-оналар бўлажак сайловда овоз беришларини айтишди.

O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

ЖИЗЗАХ

Беш йиллик депутатлик ваколати охирлаб, партиямиздан маҳаллий кенгашларга қайта кўрсатилган номзодларнинг жойларда сайловчилар билан учрашувлари ўзига хос сарҳисоб вазифасини ҳам ўтаяпти.



Бундан беш йил олдин халққа берган ваъдасини бажариб, ишончни оқлаган ва ёруғ юз билан навбатдаги Сайловолди дастурини тақдим этаётганлардан кўпчилик рози эканлиги кишини қувонтиради, албатта. **4-Зомин сайлов округидан халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашига партиямиздан кўрсатилган номзод Қудратилла Рафиқов** ҳақида худди шундай самимий сўзларни айтиш мумкин. Тадбирда иштирок этган маҳалла фаоллари, хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари ўзларига маъқул бўлган аниқ мақсад ҳамда режалар акс этган Сайловолди дастурининг халқчиллигини эътироф этишди. Қолаверса, номзоднинг ўтган муддат давомида депутат сифатида амалга оширган ишларини юқори баҳолашди.

– Учрашув баландпарвоз гаплардан ҳоли, бажарилиши зарур бўлган вазифаларга кўпроқ эътибор қаратилган ҳолда ўтгани менга жуда маъқул бўлди, – дейди тадбир қатнашчиларидан бири Бахтиёр Жонтурсунов. – Эътиборли томони, аҳоли томонидан билдирилган ҳар бир таклиф ва мулоҳазаларга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса номзод бу каби жўяли таклифларни қайта-қайта сўраб аниқлик киритди. Бу эса унинг ўз ваколати доирасида тилга олинган муаммолар ечимини топишга астойдил ҳаракат қилишидан далолат. Ўз ўрнида бу номзодлар учун партия илгари сураётган “Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун” деган ғоя шунчаки шиор эмаслигини кўрсатади. Шу сабаб, бўлажак сайловда, албатта, O‘zLiDeP номзодларини қўллаб-қувватлаб овоз бераман.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, “XXI asr” мухбири

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига O‘zLiDePдан кўрсатилган номзодларнинг Чиноз туманидаги мусиқа ва санъат мактабида ўтган учрашувида партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар доирасида фикр юритилди.

O‘zLiDeP вилоят кенгаши раиси Тўлқинжон Файзиев, **Олий Мажлис Қонунчилик палатасига партиядан кўрсатилган номзод Маъмурахон Халилова, Халқ депутатлари Чиноз туман кенгаши депутатлигига номзодлар Раъно Холиқова, Олимжон Дадажонов, Рустамжон Раҳматов, Марат Шафеев, Ҳикматилла Ҳафизов, Шерзод Ботиров, Даврон Сафаров, Муҳайё Ниёзова, Абдувоҳид Турдибоев, Нодир Умаров, Олимжон Додожонов, Завра Ибрагимова** ҳамда жамоат арбоблари, ёшлар, хотин-қизлар, нуроний ва фахрийлар иштирок этди.

Партия номзодлари шу куни Чиноз туманида фаолият юритувчи йирик енгил саноат корхонаси – “PRONTO TEXTILE GROUP” МЧЖда ҳам бўлишди. Бу ерда меҳнат қилаётган 500 дан ортиқ ишчи-ходимларга яратиб берилган шароитлар билан танишиш баробарида уларга ҳам сиёсий кучнинг Сайловолди дастури тарғиб қилинди.

– Ушбу халқчил дастурда барча соҳалар кенг қамраб олинган, – деди “PRONTO TEXTILE GROUP” МЧЖ раҳбари, Халқ депутатлари туман кенгашига партиядан номзод Рустамжон Раҳматов. – Бугун биз аҳолининг барча қатлами учун аниқ таклифларимиз билан чиқяпмиз.

Тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай ноқонуний усулда аралашганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш, бизнес юритишни янада соддалаштириш, 1 000 га яқин бюрократик талабларни бекор қилиш чораларини кўриш ҳам устувор вазифалар сирасига киритилган.

Партиямиз давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш ҳамда қулай бизнес, инвестиция ва рақобат муҳитини шакллантиришга устувор вазифа сифатида қарамоқда. Бу ҳам биз каби ишбилармонлар учун айни бир муддаодир. Партия томонидан илгари сурилган ғоя ва ташаббусларнинг амалдаги ижобий натижасини ўз фаолиятимизда сезиб, кўриб турибмиз.

Бизнинг корхонамиз ҳам илгари ташландиқ бир ҳудудга айланган собиқ мебель фабрикаси ўрнида 2017-2018 йилларда инвестиция дастурига асосан хорижий инвестор томонидан инвестиция киритилиб ташкил этилган. Партия томонидан айнан тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги хайрли чора-тадбирларни амалга ошиши ортидан бугун корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Россия ва Европа давлатларига экспорт қилиниб, экспорт ҳажми 12 миллион долларга етди. Яратилган иш ўринларимиз эса мингдан ортиқ.

Яна бир муҳим йўналиш, партия Солиқ маъмурчилиги тизимини соддалаштириш, барча тадбиркорлар учун солиқни тўлаш борасида адолатли ва тенг шароитлар яратиш, солиқ ставкаларининг ўзгармаслигини таъминловчи сиёсат юритилиши тарафдори. Сайловчилар билан мулоқотларимизда амин бўлдикки, ғояларимиз барчада катта қизиқиш ва хайрхоҳлик уйғотиб, маъқул келяпти. Мақсадларимизни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, бизга ишонч билдиришяпти.

Зуҳро МИРЗОҲАМДАМОВА, O‘zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири

ҚАШҚАДАРЁ

“Uzbekistan GTL” масъулияти чекланган жамиятида O‘zLiDeP Қашқадарё вилоят ҳамда Ғузор туман кенгашлари ҳамкорлигида “Ваъда эмас, натижа, эртага эмас, бугун” шиори остида партиянинг Сайловолди дастури тарғиботи ташкил этилди.



Тадбирда партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари Арзиқул Шеров, **Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзод Наргиза Саломова** сўзга чиқиб, O‘zLiDeP бу галги сайловларга халқчил янги дастури билан кириб бораётганини таъкидлашди.

– Дастурда ҳар бир туманда камида мингта иш ўрни яратадиган иккитадан янги саноат зоналарини ташкил қилиш кўзда тутилган, – деди ушбу жамиятдаги O‘zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси Шокир Қодиров. – Мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган турли мулк шаклларини ривожлантириш, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинликларини таъминлаш борасидаги вазифаларни бажаришда сафдошларимизнинг билим ва салоҳияти етарли.

Тадбирда партия барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг самарали ечимларини таклиф этаётгани, жумладан, ялпи ички маҳсулот ҳажми 2030 йилга бориб 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни эса 4 минг долларга етказиш, ишбилармонлар сонини 3 миллиондан ошириш чораларини кўриши айтиб ўтилди. Шунингдек, касб-ҳунарга ўқитиш кўламини ҳар йили икки баравар ошириб, беш йилда камида 1 миллион фуқарога касб ўргатиш, барча туман ва шаҳарларда мономарказларни ташкил қилиш, мактаб битирувчиларига давлат томонидан ҳеч бўлмаса бир касбни эгаллашига кўмаклашувчи тизим жорий этиш каби масалалар ҳам дастурдан ўрин олганлиги қайд этилди.

Партия сайловолди дастурининг асосий йўналишлари, хусусан, 5 мақсад ва 500 вазифа доирасида келгуси беш йилда амалга оширилади ишлар ҳақида атрофлича маълумотлар берди. Таъкидландики, партия оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида имтиёзли кредит ҳажмларини ҳар йили 30 фоизга ошириб бориш, ижтимоий тадбиркорликни янада рағбатлантириш тарафдори. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини иш билан таъминлаб келаётган тадбиркорларга молмулк ва ер солиғидан имтиёзлар бериш, оғир вазиятга тушиб қолган фуқаролар учун кредит таътиллари бериш тизими жорий этишни таклиф этади. 2030 йилга қадар қўшимча 2,5 млн ўқувчи ўрнини яратиш, таълим сифатини тубдан яхшилаш, “Тиббий суғурта тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш каби мақсадлар ижроси ҳам келгуси беш йилликда назарда тутилади. Шунингдек, номзод сиёсий куч камбағалликни қисқартириш учун ҳар йили 500 минг барқарор иш жойлари, бир миллион оила аъзосига даромадли меҳнат учун шароит яратиш учун касб-ҳунарга ўқитишни беш баробарга ошириш тарафдори эканлигини эътироф этди.

***

13-Қамаши сайлов округидан Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутатлигига O‘zLiDePдан номзод Исмигул Хушмуродова Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Қамаши туман бўлими жамоаси билан учрашди.

Сайфулла ИКРОМОВ, “XXI asr” мухбири

САЙЛОВ-2024



“ИНСОНИЙ БУРЧНИ БАЖАРМОҚ КЕРАК-ДА!”

дейди 102 яшар Бекчон бува МАТНАЗАРОВ

...Ҳазорасп тумани Карвак қишлоғининг Шовот маҳалласида Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Бекчон бува умргузаронлик қилади.

Юз ёшдан ошган отахон дунёда, айниқса, юртимизда рўй бераётган ўзгаришларни синчковлик билан кузатади, воқеликларга ўз муносабатини билдиради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтаётган сайлов арафасида мухбиримиз табаррук отахон билан учрашиб, барчамизга ибрат бўлгувчи дил сўзларини ёзиб олди.

– Ҳозир айримлар ўзларича “ақлли” бўлиб кетишган. Бировининг роса “билимдонлик” қилганини эшитиб, сал дилим ранжиди ҳам. Унинг айтишича, нима эмиш, бу депутат ўзи нима қилиб беради.

Ҳали яқин-яқинларгача ҳатто велосипед ясалмайдиган Хоразмда бугун замонавий енгил машиналар ишлаб чиқарилиб, бошқа давлатларга сотиляпти экан. Воҳага бир замонлар оддий мих ҳам четдан келтирилган бўлса, бугун “Ҳазорасп” эркин-иқтисодий зонасида тадбиркорлар кетма-кет қураётган корхоналарда юз турдан ортиқ қурилиш маҳсулотлари тайёрланиб, Европага экспорт қилинаётганини эшитиб хурсанд бўлдим, болам.

Қандай оғир кунларни кўрганимизни биздан эшитинглар, ишонмайди кўпчилик бугун. Сизларга ёлғон, бизга чин, бундан 82 йил олдин урушга тошбақа юришли поездларда жўнаган бўлсак, ҳозир бизнинг воҳамизга ҳам тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйиляпти эмиш.

Шунча катта-кичик ўзгариш, янгиликлар ўз-ўзидан бўлаётирми? Йўқ, албатта. Рўзғорда бирор иш қилишдан олдин унинг режаси тузилади, чўнтакдаги пул ҳисобланади. Давлат ҳам шунақа катта рўзғор. Унинг кирим ва чиқими бор. Депутатларимиз ана шу жараёнлар тўсиқсиз, қаршиликсиз амалга ошиши, тадбиркору ишбилармонга имконият ва шароитлар яратишга асос бўладиган қонунларни ишлаб чиқишда қатнашадилар.

Мана, нима учун депутатлар керак!

Эсимда, илк бора уруш тамом бўлганидан сўнг сайловда қатнашганман. У вақтлари қоғозда битта номзоднинг исм-фамилияси бўларди, танлаш имкони йўқ эди. Овоз бердингми, бермадингми, сайловга бордингми, бормадингми, барибир, ўша бизлар умримизда кўрмаган одам сайланарди. Шунинг учун ҳам кўпчиликнинг кўнгли бундай сайловлардан совиб кетганди. Ҳозир-чи? Энди замон ўзгарди. Ҳаммамизда танлаш имконияти бор. Яқинда бизнинг тумандан қўйилган номзодлар билан тарғиботчилар бизнинг уйимизга келиб таништиришди.

Маҳаллий кенгашларга кўрсатилган номзодларнинг ота-онаси, бува-момоларини ҳам яхши биламан. Бутун умри элга хизмат қилган инсонлар. “Олманинг тагига олма тушади”, деган гап бежиз айтилмаган. Демак, жуда муносиблар танланган. Ҳаммасининг омадини берсин, дейман-да дуо қиламан!

Сўнгги сайловларда ёшим ва соғлигим сабаб бевосита сайлов участкасига бориб овоз беролмадим. Масъуллар уйимга сайлов қутисини атай кўтариб келишди. Қувониб кетиб овоз бердим. Чекка қишлоқда хонанишин бўлиб қолган мен каби оддий фуқаронинг бир дона овозига бўлган эътибордан бошим кўкка етди. Мана шуни демократия дейишади.

Элдошларимга, айниқса, ёшларга айтмоқчиман: болаларим, бўлиб ўтадиган сайловларга бефарқ бўлманглар. Сизнинг овозингиз эртамиз янада фаровон бўлиши учун жуда зарур.

Қолаверса, юрт бугуни ва келажаги учун қайғуриш ҳар биримизнинг бурчимиз. Бурчни эса бажармоқ керак!

ФАОЛИЯТ

ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМА

Танловларга лойиҳаларни топшириш ва давлат субсидиясини олиш учун қулай имконият



Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда фуқаролик жамияти институтларининг роли, аҳамияти ҳамда ижтимоий фаоллиги ошиб бормоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда фуқаролик жамияти институтлари учун алоҳида боб ажратилди. Бир сўз билан айтганда, мазкур институтларнинг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш бўйича тизим яратилди. Айниқса, Президентимизнинг жорий йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида ягона электрон платформани расмий ишга тушириш маросими бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари, Жамоат фонди раҳбарияти, фуқаролик жамияти институтлари фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

– Фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш билан боғлиқ барча жараёнларни ўз ичига олувчи мазкур платформа ажратилаётган маблағларни оқилона тақсимлаш, шаффофлигини таъминлашда барча имкониятларни, қулайликларни беради, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов. – Фуқаролик жамияти институтларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва ишлаб чиқилаётган онлайн платформани тўлиқ автоматлаштириш ҳужжатлар алмашинувидаги замонавий ёндашувга, инсон омилисиз танловларни ўтказишга шароит яратади.

Яна бир афзаллик томони, бир нечта давлат ташкилотларидан маълумотлар олиш мақсадида ҳужжат алмашинуви ишлари амалга оширилишидир. Яъни фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир ҳужжатларни электрон тарзда интеграциялашдир.

Бунда Адлия вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази билан ҳамкорликни ўрнатиш орқали талабгор ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни тўғридан-тўғри олиш имконияти яратилди. Ҳар бир талабгор ташкилот эндиликда танловларда иштирок этиш учун лойиҳаларни топшириш ва давлат субсидиясини олиш учун буюртмаларни юбориш, уларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш жараёнларини шахсий кабинети орқали кузатиб бориши мумкин. Бу эса рақамлаштириш даврида замон талабларидан бири ҳисобланади. Платформада танловларнинг мавзуларини шакллантиришда нафақат фуқаролик жамият институтлари, балки кенг жамоатчилик томонидан ҳам таклифлар берилиши, муҳокамаларда бевосита иштирок этишлари мумкин.

Тадбир сўнггида 2024 йилда давлат гранти ва давлат ижтимоий буюртмаси танлови ғолиби бўлган фуқаролик жамияти институтларига сертификатлар топширилди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2024”

ЗАРИНА, НОЗИК, МАШҲУРА

САМАРҚАНДНИНГ ЭНГ ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАРИДИР

O‘zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши томонидан вилоят Ҳунармандлар уюшмасида ишбилармон аёл кўрик-танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди.

Хабарингиз бор, танлов мамлакатимиз иқтисодиёти, кичик бизнес ва хусусий сектор ривожида фаол иштирок этаётган шижоатли, изланувчан, ташаббускор тадбиркор ва фермер хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этиб келинмоқда. Йилнинг ўтган даврида вилоят бўйлаб маҳалла босқичлари ҳамда 16 та туман, шаҳар босқичлари ташкил этилди. Уларда 600 га яқин тадбиркор, фермер, ҳунарманд, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари иштирок этиб, шундан энг фаол 48 нафари вилоят босқичига йўлланма олишган эди.

– Аёл тадбиркор бўлса, ҳаёти гўзаллашади, оиласининг фаровонлиги ортади, жамиятдаги иштироки фаоллашади, – дейди партия Самарқанд вилоят кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Ж. Сайфиддинова – Шу ўринда хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларимиз ўз самарасини бераётгани бизни қувонтиради. Лойиҳа доирасида замонавий ишбилармон аёллар қиёфаси яратилаётгани фикримиз исботидир.



Иштирокчилар ишларини баҳолаш жараёнида ҳакамлар ҳайъати нафақат маҳсулотлар кўргазмасига, балки, янги иш ўринлари яратгани, экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқаргани, хизмат кўрсатиш сифати, фаолиятидаги тўсиқларни қай даражада бартараф этганига ҳам алоҳида эътибор қаратишди.

Кўрик-танлов якуний хулосасига кўра 1-ўринга ургутлик ҳунарманд, тикувчилик ва каштачиликка ихтисослашган “Zarina sifat tekstil” МЧЖ раҳбари Зарина Расулова муносиб, деб топилди. Улар тайёрлаган маҳсулотлар бугунги кунда чет давлатларга экспорт қилинмоқда. Эътиборлиси, бу корхонада ҳозир 750 нафар иш ўрни яратилган.



Иккинчи ўрин пахтачилик тадбиркор, 120 дан ортиқ ишчи ўрни яратган ва ўн нафар имконияти чекланган қизларни шогирдликка олиб, ҳунар ўргатаётган Нозик Юлдошевага насиб этди. Учинчи ўринга эса Булунғур туманидан Машҳура Баҳронова лойиқ кўрилди. Машҳура ўз жамоаси билан махсус кийимлар ишлаб чиқаради, 15 нафар маҳалладошини иш билан банд этган.

Ғолибларга партия ва ҳамкор ташкилотларнинг ташаккурномалари, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

O‘zLiDeP вилоят кенгаши матбуот хизмати

“NAVOIY KON-METALLURGIYA KOMBINATI”

акциядорлик жамияти жамоаси

юртимиз аҳлини
21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ
муносабати билан чин қалбдан табриклайди!

Тил – миллат қиёфасини акс эттирувчи кўзгу. Халқ тафаккурининг ноёб хазинаси. Уни асраш, ривожлантириш – миллатнинг юксалиши билан қиёсланади. Шундай экан, Янги Ўзбекистонни барпо этишда ўзбек тилининг ижтимоий ҳаётдаги ва халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш ҳар биримизга боғлиқдир. Зеро, фарзандларимизни ватанпарварлик, қадриятларга садоқат, буюк аждодларимизнинг бой меросига муносиб ворис, давлат тилимизнинг ҳимоячиси ва тарғиботчиси сифатида тарбиялайлик. Бу йўлда миллий ўзлигимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли бўлган она тилимиз, беқиёс куч-қудрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилсин.

Азиз ватандошлар, ушбу қутлуғ сана муносабати билан яна бир бор барчангизни самимий муборакбод этиб, оилангизга тинчлик, дастурхонингизга қут-барака, тану жонингизга соғлик-омонлик тилаймиз. Она тилимизнинг қадр-қиммати ва нуфузини оширишдек масъулиятли ишда ҳар биримиз фаоллик кўрсатайлик!



Хизматлар лицензияланган! Реклама

Реклама

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ

жамоаси

ер юзидаги барча ўзбекзабон инсонларни
21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни муносабати билан самимий муборакбод этади!
Юртимизда ўзбек тилини ривожлантириш, уни халқ ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу йўналишда 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепция ва алоҳида дастур ҳаётга татбиқ этилди.
Фурсатдан фойдаланиб, она тилимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча фидойи инсонларга чин қалбдан миннатдорлик билдирамиз. Сизларга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик, бахту саодат, она тилимизнинг сўнмас зиёси онгу тафаккуримиз, қалбларимизни ҳамиша ёритиб туришини тилаб қоламиз.
Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!




Хизматлар лицензияланган!

21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

Сўзнинг тузи нимада?

ҲАР ЙИЛИ 21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ АРАФАСИДА ТИЛ ҚАЙҒУСИНИ ТОРТИБ ҚОЛАМИЗ, ДЕГАН ГАП-СЎЗЛАР УРЧИЙДИ. АСЛИДА, БУНДАЙ ҚУТЛУҒ САНАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИШДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ҲАМ ШУ: ЙИЛДА БИР МАРТА БЎЛСИН БУТУН МИЛЛАТНИНГ ФИКРИНИ БИР МАСАЛАГА ЖАМЛАШ, ОЙЛАР ДАВОМИДА БИРОВ БИЛИБ, БИРОВ БИЛМАЙ БАЖАРИБ КЕЛАЁТГАН ИШЛАРНИ САРҲИСОБ ҚИЛИБ ОЛИШ... МАТБУОТДА ЭСА СОҲАГА ОИД ХАТО ВА КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНАДИ. ҚЎЙИДА УШБУ АБАДИЙ МАВЗУГА БАҒИШЛАНГАН МАҚОЛАЛАРДАН БИРИНИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТМОҚНИ ЛОЗИМ ТОПДИК.



Тил инсонга ато этилган сув ва ҳаводек бебаҳо неъмат. Мисол учун, қаршингиздаги одамга “Мен ҳозир бозорга бориб келдим” деган гапни тил воситасида бир-икки сонияда етказиш мумкин. Лекин худди шу хабарни имо-ишора билан англатиш учун анча кўп вақт керак бўлади.

Тилнинг нақадар муқаддаслиги ва ҳаёт учун қанчалар зарурлиги ҳақида Қуръони Каримда ибратли воқеа баён қилинган. *“Эсланг, (эй Муҳаммад!) Раббингиз фаришталарга “Мен Ерда халифа (Одам) яратмоқчиман” деганида, (улар) айтдилар: “Унда (Ерда) бузғунчилик қиладиган, (ноҳақ равишда) қон тўкадиган кимсани яратмоқчимисан? Ҳолбуки, биз сенга ҳамдинг билан тасбеҳлар айтамиз ва сени муқаддас деб биламиз”. (Аллоҳ) айтди: “Албатта, мен сизлар билмаган нарсаларни билурман”. (Аллоҳ) Одамга барча (яратилган ва яратилажак нарсаларга тегишли) номларни ўргатди. Сўнг уларни фаришталарга (бирма-бир) кўрсатиб деди: “Агар (эътирозингизда) ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан менга айтиб беринг!” (Улар) дедилар: “Зоти покинг ҳаққи, бизда ўзинг билдирганингдан ўзга илм йўқдир. Албатта, сен доно ва ҳакимдирсан”* (Бақара сурасининг 30-32 оятлари).

Нарсаларнинг номларини билиш шунчалар зарур экан, ният ва хатти-ҳаракатни, макон ва замонни, қувончу қайғуни, умуман, дилдаги ҳиссиёт ва илинжларни осонлик билан изҳор этишнинг қанчалар муҳимлиги ҳақида сўзлашга ҳожат йўқ.

Шундай экан, ҳар қандай ҳурфикр инсон ўзининг тилга муносабатини бу неъматнинг муқаддаслигидан келиб чиққан ҳолда белгилаб олиши лозим. Гапирганда ҳам, ёзганда ҳам ҳар бир сўз ва ҳар бир жумланинг мазмун-моҳияти, салмоғи, аҳамияти ҳамда бошқа жиҳатларига эътибор қаратиш керак.

Абдулла Қаҳҳор *“Адабиёт – атомдан кучли”* деганида фақат адабиётнинг ўзини эмас, умуман, сўз қудратини назарда тутган бўлиши керак. Бунинг тасдиғи сифатида доно халқимизнинг сўз билан “илон инидан, пичоқ қинидан чиқади” деган нақлини келтириш мумкин. Бир оғиз гап билан одамни қуюшқондан чиқариш ёки тинчлантириш ҳеч гап эмаслигини ҳаётий мисоллардан яхши биламиз. Ёмон гап ё шумхабардан одамларнинг қон босими кўтарилиши ё аллергияси қўзғаши ё қанд миқдори ошиб кетиши ҳеч гап эмас. Дейлик, “Фалончи сенинг нафсониятингга тегадиган фалон гап айтди” ёки “Шу билан сиринги ҳамма билиб бўлди” қабилидаги гапларни эшитган одам бирдан ғазабланади. Аксинча, “Ундай эмас, бошқача гапирди”, “Йўқ, адашяпсан, аслида бундай” каби гаплар одамни бирдан тинчлантиради.

Энди бевосита мақсад ҳақида сўзлайдиган бўлсак, кўзланган ният бугун матбуотимизда, телерадиомизда, мажлису йиғинларимизда тилимизга беҳурматлик намоён бўлаётган ҳолатлардан айримларини келтириб, ҳамюртларимизни бебаҳо неъматлардан бирига ўта масъулият билан ёндашишга даъват қилишдан иборат. Зеро, неъматни қадрламаслик, диний қадриятларни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам, яхшиликка олиб келмайдиган қусурдир. Айтайлик, халқимизда азалдан нон ерга тушиб кетса, дарҳол олиб, ўпиб, кўзга суриб, тепага олиб қўйиш одати бор. Бу – азиз неъматга ҳурмат, болаликдан ҳамма кўриб, дилига тугиб қўядиган тамойил.

Хўш, нонга муносабат шундай экан, нима учун баъзи ҳолларда тилнинг ҳурматини уни ерга урадиган даражада эътибордан соқит қиламиз?

Қуйида матбуот, телерадио, ҳар хил анжуманларда энг кўп учрайдиган қўпол хатолардан баъзиларини келтирамиз.

Матбуотда кўзимиз тушадиган ва телерадиода қулоғимизга чалинадиган гаплардан бири **“афсуски”** сўзи билан бошланади. Бундай жумлаларнинг аксарияти **“ачинарлидир”** сўзи билан якунланади. **“Афсуски, фалон нарса бўлмади”** ёки **“Фалон иш-ҳаракат туфайли фалон нарса бўлмади”** деганда, кўрсатилаётган муаммонинг моҳияти очилган бўларди.

Кўп ҳолларда **“айтиш керакки”** деб бошланган жумла **“дейиш мумкин”** деган сўзлар билан якунланяпти. Эҳтимол, эфирда бу нуқсон билинмас, лекин чоп қилинган нарсада яққол кўзга ташланиб туради.

Ўйлаб кўрайлик. Ҳар бир ёзганимиз ва ҳар бир айтганимизни.

Яқинда **“ҳаётимни қўйганман”** деган гап чиқди. Видеофильм кўрасизми, радио эшитасизми, матбуот ўқийсизми – барибир. Ота болага, ўғил онага, куёв келинга шундай ваъда беряпти. Ҳаёт ҳеч қаерга қўйилмайди! Ҳаёт тикилади. Тикилганидан кейин ундан қайтиб бўлмайди. Бу – жуда оғир гап. Уни ҳар ким айтавермаслиги керак. Ҳатто видеофильмда ҳам.

“Ҳар” сўзи кўпчиликни сарсон қиляпти ва саводсизлигини кўрсатиб қўяпти. Илгари журналистика ё филологияни битириб келган одам билан эҳтиёт бўлиб гаплашиларди, ҳозир уларга ҳамма нарсани янгидан ўргатишга тўғри келяпти. Масъулиятни касбдан ўрганади, лекин саводини ўша ўқиган жойида оширмаган бўлса, бор тингловчиларини саводсиз қилади.

Энг кўп учрайдиган жиддий хато – тўғри келса-келмаса **“ҳар”** сўзини ҳамма ёқда ишлатиш: **“Ҳар бир Аллоҳ таолонинг сўзи”, “ҳар бир Имом Бухорийнинг асари”.** Бу ўринда, диний томондан қарайдиган бўлсак, гуноҳларнинг энг каттаси бўлган ширкка йўл қўйиляпти. **“Ҳар бир Аллоҳ таоло”** деганда, бир неча илоҳ тушунилади, Аллоҳ таолонинг ҳар бир сўзи эмас. Яна **“Ҳар бир президентнинг фармони”** ёки **“тўртта президентнинг қарори”** деганда эса президентларнинг қарори тушунилади. Аслида бу гап **“президентнинг ҳар бир фармони”** ва **“президентнинг тўртта қарори”** деб айтилиши керак.

Жумла тузишда сўзларни ўз ўрнига қўя олмаслик иллати шу қадар кенг тарқалиб кетдики, айримлар замонавий нашрларни ўқишдан безиб қолди, телерадиони кузатмай қўйди. **“Очиқдан-очиқ аёлларга дискриминация”, “гижжалар билан қандай уй шароитида курашиш мумкин?”** деган жумлалар ва телба-тескари иборалар ҳар нарсани ўқиб-эшитишга интиладиган ёш авлоднинг тафаккурини бузиши бутун жамият келажаги учун зарардир. Ҳозир баъзилар таржимаи ҳолини ё таътилга чиқиш аризасини ҳам ёза олмаслиги мана шундай – майда кўринган, лекин томиб-томиб кўл бўлган иллатларнинг оқибати бўлса керак. “Уй шароитида гижжаларга қарши қандай курашиш мумкин?” дейиш қийинми?!

“Ҳар иккиси” ё **“ҳар учаласи”** деган сўзлар ҳам жуда урф бўлди. Икки киши ҳақида гапира туриб, ҳар иккиси дейиш – бемаъни. Аслида **“иккови”** ё **“икковининг ҳар бири”** ё жўнгина **“ҳар бири”** бўлади.

“Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни” қабилидаги гаплар ҳам “ҳар касаллиги”нинг бир тури. Ойнинг ҳар пайшанбаси дейиш мумкин, чунки бир неча марта келади. Ҳафтада эса битта бўлади. Шунинг учун оддий қилиб **“ҳар пайшанба”** десак, ҳеч кимнинг ғижини келмайди.

“Ҳар” билан **“ҳеч”**нинг фарқига ҳам бориш керак. Бундай қўпол “адашиш”га мисоллар кўп. Мана биттаси: **“Ҳар бир шоирнинг китоби ватан ҳақидаги шеърсиз чиқмайди”.**

Кейинги ноўрин қўлланаётган сўзлардан бири **“ажрим”**дир. Бу ҳукм маъносини билдиради. Масалан, **“суднинг ажрими чиққан”** деймиз. Шунинг учун ажрим сўзини оилавий ажрашишларга нисбатан ишлатиб бўлмайди. Масалан, **“оилавий ажримга олиб келувчи фалон сабаб ва омиллар”** деб кўп гапириляпти.

Сценарийми, кўрсатув ё эшиттириш матними, нутқ, маъруза ё мақолами, нима ёзишимиздан қатъи назар, ортиқча сўз ва қўшимчаларни ўйлаб ишлатишимиз керак. Илм эгаллашга **бўлган** интилиш, спортга **бўлган** қизиқиш ва ҳоказо. Бу **“бўлган”**ларнинг нима кераги бор, тушуниб бўлмайди. Фаросатимиз оқсаши оқибатида **“бўлган”**ни **“бўлмаган”**га айлантиряпмиз.

“Бежиз” сўзига -га, **“ҳозир”** сўзига -да қўшиш расм бўлди. Руслар “в сейчас”, инглизлар “at now” демайди. Бошқа халқлар ҳам “ҳозир”га бундай қўшимча қўшмайди. Биз қачон, қаердан ўргандик, шуни сира англаб бўлмайди.

Қўшимчалар орасида **-лик** масаласида ҳам иш пачава. Бу қўшимчани бўлар-бўлмас жойларга зўрлаб киритяпмиз. Борган**лик**лари, келган**лиги,** бошқа шакли – боришлик, келишлик... буни ёзган ҳам қийналади, ўқиган ҳам, эшитганнинг эса энсаси қотади.

Яна **-лар** қўшимчаси борасида ҳам аҳвол яхши эмас. Ҳурмат ва кўплик маъносида ишлатилганда, эътирозга ўрин қолмайди. Лекин бу сўзни ҳамма ёққа суқавериш саводсизлик ва адабсизликдир. Дейлик, ўзбек тилида рақам ишлатилса, “-лар”га ҳожат қолмайди. Ўнта талаба, миллионта калава деб кетаверамиз. Бу бир жиҳати. Иккинчидан, **кўплик**ни ҳар нарсага ҳам ишлатиб бўлмайди. “Ўнта талаба **келди**”, деймиз, “Ўнта талаба келди**лар**”, демаймиз. Бир репортажда “Қазилма ишлари чоғида бу ердан **суяклар чиқишди”** деган жумла кетган эди. “Уларнинг фалон иш **қилишганликлари”** тарзидаги қусурли гаплар эфирда ҳам, нашрда ҳам кўп учрайди.

Энди “шундай-бундай муносабатлари”га озгина тўхталсак. **Шу** дейиш учун аввал **бу** деб олиш керак. Масалан, “Бу китоб – фойдали, шуни оламан”, дейилади. Биз эса бирор иқтибос келтирадиган бўлсак, **“Фалончи шундай деди”** рамкасини ишлатамиз. “Ўрмонга ўт кетибди, фалончи шундай деди”, десак, бу маъқул. Лекин аввал маълумотни келтирмай туриб, “шундай”ни ишлатсак, ғализ бўлади. Нима учун ҳаётий жумлаларнинг ўзидан келиб чиқмаймиз? Масалан, устоз бирор нарсани ўргатганда, “Аввал бундай қиласан, кейин мана бундай қиласан, шундай қилсанг яхши бўлади”, дейди.

Шу сафдаги яна бир қўполлик жумлада **“қанчалик”** сўзи келган бўлса, **“шунчалик”** сўзи ишлатилмаётганидир. “Бадантарбияни қанчалик тез одат қилсангиз, ўзингизга яхшидир”. Бу жумла кемтиклиги билиниб турибди. Бунга қўшимча сифатида **“қанча”, “неча”** ва **“нечта”**ни ҳам фарқлай билиш керак. “Нон қанча туради?”, “Нон неча пул?”, “Нечта нон бор?” каби саволлар кундалик ҳаётда кўп ишлатилади, лекин қоғозга тушиши билан ғализлашиб кетади.

Биз **“илиқ”** билан **“иссиқ”**ни ҳам фарқламай қўйдик. Об-ҳаво маълумотида ҳаво салқинроқ бўлса, “илиқ” сўзи ишлатилади. Ёзги иссиқларга нисбатан “иссиқ” қўлланади. Аслида иссиқлик – физикага оид тушунча бўлиб, даражада айтилганда, унга изоҳ бериш шарт эмас. “Иссиқ” бир даража ҳам, миллион даража ҳам бўлиши мумкин. “Илиқ” эса ўта нисбий тушунча. Шимолда яшовчилар учун илиқ бўлган даража жанубдагилар учун совуқ бўлади ва аксинча. Қатъий гап шуки, илиқлик ҳеч қандай даража билан ўлчанмайди ё белгиланмайди. Яна ҳаммамиз озми-кўпми биладиган рус тилига қиёс қилсак, улар “столько-то градусов прохлады” ё “пятьсот градусов жары” демайди. Шундай экан, физика атамаларига тўлиқ амал қилиш керак. Ҳаво ҳароратига қараб, даражага илиқ-иссиқ деб баҳо бериб бўлмайди. Рус тилидан мисол келтирадиган бўлсак, “...градусов тепла” тарзидаги жумла ишлатилади, улар “...градусов жары”, “...градусов прохлады” демайди. Бошқа халқларда ҳам шундай.

Кейинги пайтларда **“ҳақиқатдан”, “барчаларимиз”** дейишга ўргандик. **“Маънан”, “жисмонан”, “табиатан”** дейилгани каби **“ҳақиқатан”** демай қўйдик. **“Ҳаммамиз”** деганда кўпчиликни, барчани тушунамиз, лекин **“барчаларимиз”, “барчаларингиз”** дейишни маданият, одоб белгиси, деб қабул қилиб олдик. Яъни, саводсизлик адабга айланиб боряпти. Бошқа мисол керакми?! **“Ўқинилган”, “айтинилган”** деган сўзлар кунда-кунора қулоққа чалиняпти. “Ўқимоқ”нинг мажҳул нисбати – “ўқилмоқ”, “айтмоқ”ники – “айтилмоқ”. “Ўқинилмоқ” деган феъл йўқ!

Албатта, бир мақолада бундай қусурларнинг ҳаммасини санаб ўтишнинг иложи йўқ (**“иложиси йўқ”** дейилмайди). Сўз якунида бир гапни айтиб ўтамиз, холос: чиройли гапириш ё ёзишга иштиёқмандлар кўп. Афсуски, уларнинг аксариятига бошқалар **“устоз”, “домла”** деб мурожаат қилади, айтганини мутлақ ҳақ ва тўғри нарса деб билади. Одамлар телерадио ва газета-журналлар, мажлису анжуманларда гапларни эталон ё ҳақиқат сифатида қабул қилишга ўрганган. Шундай экан, айтадиган ё ёзадиган ҳар бир нарсамизга масъулият билан ёндашишимиз зарур. Акс ҳолда, бу шунчаки лоқайдлик эмас, балки ўз она тилимизга ҳурматсизлик, куфрони неъмат бўлади.

Анвар БОБОЕВ,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

Манба: “Маънавий ҳаёт” журнали, 2024 йил, 3-сон

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA XXI asr

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Дилшод ШОУМАРОВ, Сирожиддин САЙИИД, Акшагул ТУЛЕГЕНОВА, Нодир ЖУМАЕВ, Шуҳрат АСЛОНОВ, Насимжон АЛИМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта: xxi_asr@umail.uz, xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:

қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 1045 **Адади: 5153** Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 19:10

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи: **Маъруфжон Раҳмонов**

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

123456

Навбатчи муҳаррир: **Абдулла ЧИМИРЗАЕВ**